

Ҳадис дарслари (227-дарс) Эътиборсизлик ила таҳоратда аъзоларнинг баъзи жойига сув етмай қолса, азобга сабаб бўлиши



19:00 / 19.04.2023 4012

نَا هُنَّ عُلَلُ اِي ضَرِّ رِي غُمْلَا نَع
مَلَسَوِ هِي لَعُ هَلَلَا يَلَصَّ يَبَّنَلَا
يَلَعَوِ هِي صَانَبَا حَسَمَ فَاَضَوَت
هَاورِ نِي فُخْلَا يَلَعَوِ مَامْغَلَا
ةَغَبْرَالَا

Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилдилар-да,
бошларининг олд қисмига, саллаларига ва икки маҳсиларига масҳ
тортдилар».**

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Бу ҳадисда таҳоратда масҳ тортиладиган жойлар ҳақида сўз бормоқда:

1. «Бошларининг олд қисмига».

Ривоятдан кўриниб турибдики, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам салла кийган ҳолларида таҳорат қилганлар. Бошларига масҳ тортганларида ҳаммасига тортмай, салланинг бир томонини кўтариб туриб, бошларининг олд томонига масҳ тортганлар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари шу ҳадисни далил қилиб, «Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш фарз, ҳаммасига тортиш фарз эмас», яъни киши таҳорат пайтида бошнинг тўртдан бирига масҳ тортса, таҳорати тўғри бўлади, ундан оз бўлса, тўғри бўлмайди, деганлар. Бошқа мазҳаб уламолари «Бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш керак», дейдилар.

2. «Саллаларига».

Саллага масҳ тортиш бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиб олгандан сўнг бўлган иш эканлиги ривоятнинг ўзида очиқ-ойдин кўриниб турибди. Кўпчилик уламолар «Бошга масҳ тортмасдан, салланинг ўзига масҳ тортиш жоиз эмас», дейдилар.

3. «Икки маҳсиларига масҳ тортдилар».

Бу ҳукмнинг тафсилотини ўрганиб чиқамиз.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ رِيْرَهُ وَبَأَى أَرُو
رَهَطْمَلَا نَمَنْ نُوِيَّضَوْتَي أَمْوَق
يْنِإَفَءُؤُضُؤَلَا أُوغُبَسَا: لَأَقَف
هُلَلَا يَلَصِمَسَاقِلَا أَبَا تُعَمَس
لِيَو: لُؤُقَي مَلَسَوِ هِيَلَع
:هُيَأُورِي فَوِ رَانَ لَانَمَبِي قَارَعُلَل

هُوَ رَأَى لَنَا مِنْ بَأْسِ عَالَمِ لَيْو ةِ سَمِخْلَا

Абу Хурайра розияллоху анху таҳорат қиладиган жойда одамларнинг таҳорат қилаётганларини кўриб:

«Таҳоратни мукаммал қилинглар, мен Абул Қосим соллаллоху алайҳи васалламнинг «Ароқийбларга дўзахда ҳалокат бўлсин!» деганларини эшитганман», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«(Яхши ювилмаган) **Товонларга дўзахда ҳалокат бўлсин**» дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

«Ароқийб» – «арқуб»нинг жами бўлиб, араб тилида товон устидаги йўғон пай шу ном билан аталади.

Абул Қосим – Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг кунялари. У зот соллаллоху алайҳи васалламнинг Қосим исмли ўғиллари бўлиб, у кичиклигида вафот этган. Ўша фарзандлари исми билан куняланганлар.

Имом Бухорий қилган ривоятда Абу Хурайра розияллоху анху ўша одамларнинг товонларини яхшилаб ювмасдан, уларга масҳ тортаётганларини кўриб қолиб, ушбу ҳадисдаги гапларни айтганлар, дейилади.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Таҳоратни мукаммал қилиш лозим эканлиги.
2. Таҳоратда оёқнинг ҳаммасини яхшилаб, сув етказиб ювиш кераклиги.

Ушбу ҳадисда ушбу маънога алоҳида эътибор берилиши баъзи тоифалар, хусусан, шийъа мазҳаби ва баъзи зоҳирийларнинг «таҳоратда оёққа масҳ тортилади», деган гапларини ботил қилиш учундир.

3. Биладиган одам амалда хатога йўл қўяётган кишини кўрса, тузатиб қўйиши зарурлиги.

4. Эътиборсизлик ила таҳоратда аъзоларнинг баъзи жойига сув етмай қолса, азобга сабаб бўлиши.

5. Товонларни ювишга алоҳида эътибор бериш кераклиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.